

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## Ҳ У К М

2024 йил май ойининг 07 куни, жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман судининг биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Ф.Собиров, Б.Хакимжоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Балиқчи туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи Р.Каримов, судланувчи А.Рахимов ва унинг ҳимоячиси “Шула плюс имкон” адвокатлик фирмаси адвокати Д.Махкамов, судланувчи К.Дехканов, Н.Рахимова ва уларнинг ҳимоячиси “OBBOSOV LUTFULLO JALOLDINOVICH” адвокатлик бюроси адвокати Л.Оббосов, фуқаровий даъвогар Ганиев Бахтиёр Юлдашевичларнинг иштирокида, Рахимов Абдоржон Ахрорович, Дехканов Каххаржон Тешабоевич ва Рахимова Нозимахон Ахроржоновналарига нисбатан 1-1704-2401/71-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Рахимов Абдоржон Ахрорович (Rahimov Abdorjon Aхrоровich), 1989 йил 21 апрелда Шаҳрихон туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти олий, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1. Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2018 йил 27 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “г” банди, 205-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 45, 57, 59, 61, 62-моддалари тартибида 2 йил маносабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 3 ой 21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг 2019 йил 26 ноябрдаги ажримига кўра, ўталмаган 1 йил 1 ой 28 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддаси тартибида муддатидан илгари шартли озод қилинган, қўшимча жазони ўтаган,

2. Жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг 2022 йил 24 июндаги ҳукмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 60, 62-моддалари тартибида ўташ учун узил-кесил иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 8 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилган, ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси 1 ой 19 кунни ташкил қилади, “DOBRIY” МЧЖ раҳбари, Шаҳрихон тумани, Қумтепа МФЙ, Назарахрам кўчаси, 71-уйда яшаган, жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман судининг 2023 йил 28 ноябрдаги ажримига кўра, сиртдан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2024 йил 19 февралда ушланиб, қамоққа олинган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 22 апрель куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари, 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 25,167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 228-моддасининг 3-қисми билан айбланган;

Рахимова Нозимахон Ахроржоновна (Rahimova Nozimaxon Aхrорjonovna), 1984 йил 26 августда Шаҳрихон туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам жиноят

Ҳужжат имзоланган: Собиров Фурқат Одижонович, 07.05.2024



ишлари бўйича Балиқчи туман судининг 2018 йил 01 майдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 209-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 2 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларда ишлаш ҳуқуқларидан маҳрум қилинган ҳолда 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 72-моддаси қўлланиб, тайинланган 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо шартлига алмаштирилиб, 2 йил синов муддати белгиланган, жазони ўтаган, судланганлик ҳолати тугалланган, “DOBRIY” МЧЖ таъсисчиси, Шахрихон тумани, Назармахрам МФЙ, Назарахрам кўчаси, 42-уйда яшайди, 2024 йил 12 апрелда муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 22 апрель куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари, 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 25,167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 228-моддасининг 3-қисми билан айбланган;

Дехканов Каххаржон Тешабоевич (Dexkanov Kaхharjon Teshaboyevich), 1967 йил 06 февралда Балиқчи туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Балиқчи туман ММТБ эксплуатация хизмати бош муҳандиси Балиқчи тумани, Кўл МФЙ, Андижон кўчаси, рақамсиз уйда яшайди, 2024 йил 16 апрелда “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 22 апрель куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 25,167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 228-моддасининг 3-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларни кўрсатувини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Рахимов Абдоржон Ахрорович 2022 йил декабрь ойида ўзига олдиндан яқин дўсти З.Обидовга тегишли қўшнисини Р.Маърифжонов томонидан фойдаланиб келинаётган “DOBRIY” МЧЖни ўзига олиб, опаси Н.Рахимовани жамиятга таъсисчи, ўзини эса ёрдамчи ишчи сифатида киритиб, жамиятни молиявий хўжалик фаолияти ва оператив бошқарувини опаси Н.Рахимова билан бирга бошқариб келиб, “Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида”ги ПҚ-118-сонли Қарорига мувофиқ Балиқчи тумани ҳокимлиги билан “DOBRIY” МЧЖ ўртасида тузилган Давлат-хусусий шерикчилик битимига (*Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 05.06.2023 йилда DXSH58-2023-рақами билан реестрга олинган*) асосан Балиқчи тумандаги 52 та ижтимоий соҳа муассасаларини иситиш



мақсадида 2.621,7 тонна импорт кўмирга (*1 тонна нархи 940 минг сўм*) 2.464.443.2 минг сўм миқдорида маблағ режалаштирилганлигидан фойдаланиб, бюджет маблағларини талон-торож қилиш орқали ноқонуний даромад топиш борасида Н.Рахимова билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, режалаштирилган маблағдан 2.382 тонна учун жами 2.238.924 минг сўм маблағлар жамият ҳисоб-рақамига ўтказиб берилган бўлса-да, А.Рахимов ва бошқалар ўтказилган маблағлар ҳисобидан 134.420 минг сўмлик 143 тонна импорт кўмир ўрнига умумий қиймати 59 млн. 917 минг сўмлик 143 тонна маҳаллий кўмир (*1 тонна нархи 419 минг сўм*) маҳсулотини етказиб бериб, 74.503,5 минг сўмлик бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Бундан ташқари, А.Рахимов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2022 йил 27 декабрдан “DOBRIY” МЧЖга норасмий раҳбарлик қилиб, МЧЖни опаси Н.Рахимова билан бирга бошқариб келиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги “Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида”ги ПҚ-118-сонли Қарорига мувофиқ Балиқчи тумани ҳокимлиги билан “DOBRIY” МЧЖ ўртасида тузилган 2023 йил 27 июндаги Давлат-хусусий шерикчилик битимига (*Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 05.07.2023 йилда DXSH58-2023-рақами билан реестрга олинган*) асосан Балиқчи тумани ҳудудидаги 2-лотга бириктирилган жами 52 та ижтимоий соҳа объектларига хизмат кўрсатиш яъни 53 та янги иситиш қозони, 803 та иситиш батареяларини алмаштириш, 10.216 метр трубаларни монтаж қилиш ишлари учун жами 6.063.199.800 сўмлик лойиҳа тузилиб, шундан 3.031.199.900 сўмини бюджет маблағидан қолган 3.031.199.900 сўми пудратчининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш белгиланганлигидан фойдаланиб, бюджет маблағларини талон-торож қилиш орқали ноқонуний даромад топиш борасида Н.Рахимова ва бошқалар билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, битимга асосан пудратчи “DOBRIY” МЧЖ томонидан объектда белгиланган таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилмагани ҳолда, 2023 йил 03 ноябрь ҳолатига иситиш тизимини модернизация ишлари гўёки 52 фоизга бажарилганлигини кўрсатиб, 3.165.873.331 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақида Ф-2 ва Ф-3 тўлов ҳужжатларини тузиб, ғайриқонуний йўл билан бойлик орттиришда ифодаланган ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, тўлов ҳужжатларига амалда бажарилмаган 360.262.950 сўмлик ишларни бажарилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритиб, ўзи фойдаланиши мақсадида расмий ҳужжатларни сохталаштириб, ушбу ҳужжатларнинг қалбаки эканлигини била туриб тақдим этиш орқали буюртмачи Балиқчи тумани ММТБ томонидан пудратчи “DOBRIY” МЧЖнинг ҳисоб рақамига жами 360.262.950 сўм миқдоридаги пул маблағлари олдиндан ўтказиб берилишига эришиб, текшириш кунига қадар ўтказилган пул маблағларига нисбатан бажарилиши лозим бўлган иш турларини бажармасдан, ушбу пулларни бошқа мақсадларда сарфлаб юбориб, ўзларига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг



жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

Шунингдек, А.Рахимов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2022 йил 27 декабрдан “DOBRIY” МЧЖга норасмий раҳбарлик қилиб, МЧЖни опаси Н.Рахимова билан бирга бошқариб қелиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги “Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида”ги ПҚ-118-сонли Қарорига мувофиқ Балиқчи тумани ҳокимлиги билан “DOBRIY” МЧЖ ўртасида тузилган Давлат-хусусий шерикчилик битимига (*Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 05.06.2023 йилда DXSH58-2023-рақами билан реестрга олинган*) асосан Балиқчи тумани ҳудудидаги 2-лотга бириктирилган жами 52 та ижтимоий соҳа объектларига хизмат кўрсатиш яъни 53 та янги иситиш қозони, 803 та иситиш батареяларини алмаштириш, 10.216 метр трубаларни монтаж қилиш ишлари учун 6.063.199.800 сўмлик лойиҳа тузилиб, шундан 3.031.199.900 сўмини бюджет маблағидан қолган 3.031.199.900 сўми пудратчининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш белгиланганлигидан фойдаланиб, бюджет маблағларини талон-торож қилиш орқали ноқонуний даромад топиш борасида Н.Рахимова ва бошқалар билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, битимга асосан пудратчи “DOBRIY” МЧЖ томонидан объектда белгиланган таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилмагани ҳолда, 2023 йил 21 декабрь ҳолатига иситиш тизимини модернизация ишлари гўёки 91 фоизга бажарилганлигини кўрсатиб, 5.519.909.072 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақида Ф-2 ва Ф-3 тўлов ҳужжатларини тузиб, ғайриқонуний йўл билан бойлик орттиришда ифодаланган ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, тўлов ҳужжатларига амалда бажарилмаган 1.324.999.679 сўмлик ишларни бажарилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритиб, расмий ҳужжатларни сохталаштириб тақдим этиш орқали буюртмачи Балиқчи тумани ММТБ томонидан пудратчи “DOBRIY” МЧЖнинг ҳисоб рақамига 360.262.950 сўм миқдоридаги пул маблағлари олдиндан ўтказиб берилишига эришиб, қолган 964.736.729 сўм қисмини ҳам қўлга киритишга қасд қилиб, текшириш кунига қадар ўтказилиши мумкин бўлган пул маблағларига нисбатан бажарилиши лозим бўлган иш турларини бажармасдан, жуда кўп миқдордаги маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишга суиқасд қилиб, 964.736.729 сўм пуллар бюджетдан ажратилмай қолганлиги сабабли жиноий ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмагани ҳолда охирига қадар етказа олишмаган.

Судланувчи Рахимов Абборжон Ахрорович суд мажлисида айбига иқрорлик билдириб, 2015-2018 йилларда қишлоқ хўжалиги кимё-саноат Бўз тумани филиали раҳбари бўлиб ишлагани, шу вақтда филиалда камомат чиққанида Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланиб, 2 йил 2 ой ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси берилгани, шундан сўнг тадбиркорлик билан шуғулланиб, кўмир савдоси билан шуғуллангани, 2021 йил 18 февралда таниши Зиёдбек ва Абдулазизлар билан бирга Бўстон тумани давлат хизматларидан рўйхатдан ўтган “DOBRIY” МЧЖ



ташкил қилганларини, ушбу жамият дастлаб таъминотчи сифатида фаолият юритгани, 2022 йил июнь ойидан ушбу жамият тўлиқ уни қўлига ўтиб, опаси Н.Рахимова ушбу жамиятга таъсисчи сифатида киргани ва жамиятни бирга бошқариб келганларини, аммо жамиятга таниши Р.Маъруфжонов раҳбари сифатида кўрсатилиб қолгани, шу вақтда жамият турли хилдаги нооziқ-овқат маҳсулотлари олди-сотдиси билан шуғуллангани, 2023 йил январь ойидан бошлаб ушбу жамиятни опаси Н.Рахимова билан раҳбарлик қилиб, қурилиш ишларини амалга оширишни ҳам йўлга қўйганларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги ПК-118-сонли “Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида”ги қарорининг 2-иловасига кўра Балиқчи туманида 2023 йилда 123 та ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ва бошқариш тизимини жорий этиш бўйича давлат-хусусий шериклик асосида хусусий сектор иштирокида босқичма-босқич жорий этиш белгилангани, юқоридаги қарорга мувофиқ тасдиқланган битимга кўра Балиқчи туманида 52 таси ижтимоий соҳа муассасалари 2-лот “DOBRIY” МЧЖга бириктириб берилган бўлиб, шундан 26 та ижтимоий соҳа муассасаларини жорий йилда модернизация қилиш ишларини бажарилиши белгилангани, тасдиқланган битимга асосан жорий йилда модернизация қилиш учун 26 та ижтимоий соҳа муассасаларида жами бўлиб, 6 млрд 063 млн сўмлик ишлар амалга оширилиши белгиланган бўлиб, ушбу маблағдан 50 фоизи давлат бюджети ҳисобидан 50 фоизи тадбиркор ҳисобидан сарфланиши кўрсатилгани, “DOBRIY” МЧЖга 52 та ижтимоий соҳа муассасаларидан 23 та ижтимоий соҳаларда иситиш тизимларини модернизация қилиш учун бюджетдан 50 фоиз 1.826.0 млн сўм белгилангани ҳамда 2023 йил 08 ноябрь куни ҳолатига 548.0 млн сўм маблағ ўтказиб берилган бўлиб, ҳозирги кун ҳолатига модернизация ишлари якунлангани, “DOBRIY” МЧЖга тасдиқланган битимга кўра 52 та ижтимоий соҳа муассасаларига 2023-2024 йил куз-қиш мавсуми учун импорт кўмир жамғариш режаси 2.464.0 млн сўмлик 2.622 тонна белгиланган бўлиб, 2023 йил 08 ноябрь ҳолатига 2.214 тоннага 2.082.0 млн сўм маблағ уни ҳисобига ўтказиб берилгани, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 08 ноябрь куни ҳолатига тумандаги ижтимоий соҳа муассасаларига 724 тонна шундан 143 тонна маҳаллий ва 581 тонна импорт кўмир олиб келингани, шунингдек, “DOBRIY” МЧЖга ДХШ асосида ижтимоий соҳаларни иситиш учун бюджетдан 143 тонна импорт кўмир сотиб олиш учун 134.420.0 минг сўм маблағ ажратилган бўлиб, ушбу ўтказилган маблағлар ҳисобидан 43 тонна 59.917.0 минг сўмлик маҳаллий кўмир олинганлиги натижасида 74.503.5 минг сўм камомадга йўл қўйгани, “DOBRIY” МЧЖга 23 та ижтимоий соҳа муассасаларига 53 та янги умумий қуввати 3805 жами суммаси 2 млрд 410 млн 658 сўмлик иситиш қозонлари ўрнатиш учун бюджетдан 50 фоиз 1.205.0 млн сўм белгилангани ҳамда унга 603.0 млн сўм маблағ ўтказиб берилгани, 2023 йил 08 ноябрь куни ҳолатига жамиятлари томонидан 29 дона янги иситиш қозонлари шундан, 10 та муассасага 12 дона Туркия давлатида ишлаб чиқарилган КОЗЛУСАН русумли иситиш қозонлари келтирилиб ўрнатилгани ва 7 та муассасага 17 дона



Қирғизистон Республикасида ишлаб чиқарилган иситиш қозонлари муассасаларга олиб келингани, аслида 5-умумтаълим мактабига 1 дона қуввати 60 киловат 28.120.0 минг сўмлик, 4 дона қуввати 80 киловат 134.010.0 минг сўмдан жами 536.040.0 минг сўмлик, 19-умумтаълим мактабига 1 дона қуввати 40 киловат 23.540.0 минг сўмлик, 1 дона 130 киловат 50.615.5 минг сўмлик, 4-мактабгача таълим ташкилотига 1 дона қуввати 100 киловат 64.274.0 минг сўмлик, 7-мактабгача таълим ташкилотига 2 дона қуввати 60 киловат 101.231.0 минг сўмлик, 10-мактабгача таълим ташкилотига 2 дона қуввати 60 киловат 101.231.0 минг сўмлик, 19-сонли болалар мусика мактабига 3 дона қуввати 60 киловат 151.846.0 минг сўмлик, Спорт мактабига 1 дона қуввати 80 киловат 58.971.0 минг сўмлик, 1 дона қуввати 130 киловат 79.699.0 минг сўмлик жами 793.537.5 минг сўмлик Туркия давлатида ишлаб чиқарилган КОЗЛУСАН русумли иситиш қозонлари ижтимоий соҳа муассасаларига олиб келиб ўрнатишлари керак бўлса-да, жамиятлари томонидан ИП “Жолдошев Бектур Сапарбекович” ва “Dobriy” МЧЖ ўртасида имзоланган 2023 йил 15 октябрдаги №01-сонли ҳисоб-фактурага асосан 8 дона, 2023 йил 27 октябрдаги №02-сонли ҳисоб-фактурага асосан 4 дона ҳамда 2023 йил 27 октябрдаги №3-сонли ҳисоб-фактурага асосан 5 дона жами 17 дона 350.242.5 минг сўмлик Қирғизистон Республикасида ишлаб чиқарилган арзон нархдаги иситиш қозонлари келтирилгани ҳамда 5-умумтаълим мактабига қуввати 45 киловатлик 2 дона, 80 киловатлик 4 дона, 19-умумтаълим мактабига қуввати 80 киловатлик 2 дона, 4-мактабгача таълим ташкилотига қуввати 55 киловатлик 2 дона, 7-мактабгача таълим ташкилотига қуввати 55 киловатлик 1 дона, қуввати 60 киловатлик 1 дона, 10-мактабгача таълим ташкилотига 40 киловатлик 1 дона, 50 киловатлик 1 дона, 19-сонли болалар мусика мактабига 55 киловатлик 1 дона, қуввати 60 киловатлик 1 дона, спорт мактабига қуввати 80 киловатлик 1 дона иситиш қозонлари тақсимланганлиги, натижада “Dobriy” МЧЖ томонидан Балиқчи туманидаги 15 та муассасаларга тасдиқланган битимда кўрсатилган 603.000.0 минг сўмлик иситиш қозонлари қийматига нисбатан 17 дона 252.757.5 минг сўмлик камомадга йўл қўйганларини, битимда назарда тутилган кўмир маҳсулотларини олиб келиш мақсадида 2023 йил октябрь ойида Қирғизистон Республикасига ўтиб кетгани, шундан сўнг жамият фаолиятини опаси Н.Рахимова бошқариб тургани, 2023 йилда пудратчи “Dobriy” МЧЖ томонидан Балиқчи тумани ҳудудидаги 2-лот таркибига бириктирилган (умумий 52 та объект. Шундан, 22 таси ўрганилди) ижтимоий соҳа объектларини иситиш тизимини таъмирлаш ва янги иситиш қозонларини ўрнатиш учун давлат бюджетидан ажратилган маблағларни мақсадли сарфланиши юзасидан ўтказилган назорат ўлчов ишлари натижасида бажарилган иш ҳажмларига тузилган қиймати 5.519.909.072 сўмлик форма-2, форма-3 ҳисоботларига нисбатан 1.324.99.679 сўмлик иш ҳажмлари жойида кам бажарилиб, пудратчи томонидан тузилган ҳисоботларида ортиқча ёзиб кўрсатилганлиги аниқлангани, бундан ташқари, “Dobriy” МЧЖ томонидан 2023 йил 03 ноябрь ҳолатига ижтимоий соҳа объектларини иситиш тизимини таъмирлаш ва янги иситиш қозонларини ўрнатганлиги юзасидан 52 фоизга бажарилганлиги ҳақида расмийлаштирилган форма-2 шаклдаги ҳисоботлари бўйича ҳам назорат



ўлчовидан ўтказилганида пудратчи “Dobriy” МЧЖ томонидан бажарилган иш ҳажмларига 2023 йил 03 ноябрь куни тузилган қиймати 3.165.985.283 сўмлик 1-сонли форма-2, форма-3 ҳисоботларига нисбатан 360.262.950 сўмлик иш ҳажмлари жойида кам бажарилиб, пудратчи томонидан тузилган ҳисоботларида ортиқча ёзиб кўрсатилганлиги аниқлангани, жамиятни раҳбари у ҳисобланишини, жамиятни опаси Н.Рахимова билан бирга бошқариб келганларини, иситиш тизимида ўтказилган назорат ўлчови бўйича тузилган далолатномалар билан танишиб чиққани, уларга нисбатан эътирози йўқлигини, юқорида айтиб ўтилган Ф-2 ва Ф-3 ҳисоботлари қурилиш объектида бажарилган ишлар бўйича ҳар ой якуни билан, қурилиш ишлари якунланганида эса якуний Ф-2 ва Ф-3 ҳисоботлари тузилиб, ушбу ҳисоботлари тегишли тартибда пудратчи ташкилот раҳбари, шу қурилиш объектига бириктирилган мутахассис ва маъсул ходимлари томонидан тасдиқланишини, ушбу ҳисоботлар тасдиқлангандан сўнг ҳисобот буюртмачи корхонага топширилишини, ушбу Ф-2 ва Ф-3 ҳисоботлари асосида буюртмачи корхона бажарилган ишлар эвазига пудратчи корхонага тўлов суммасини тўлаб беришини, ушбу Ф-2 ва Ф-3 ҳисоботлари бажарилган ишлар учун тўловни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжат ҳисобланишини, ушбу ҳужжатларни ўзи тузгани ва ундаги имзолар ўзига тегишлилигини, ҳақиқатдан ҳам ушбу ҳужжатларга қўшиб ёзилганлигидан хабари борлигини, қўшиб ёзилган ишларни келгусида бартараф қилиб қўйишни ўйлагани, ушбу бажарилмаган ишларни қўшиб ёзилганилигидан текширишдан сўнг хабар топгани, ушбу ҳужжатларни опаси Н.Рахимова расмийлаштиргани, у уни кўрсатмалари билан ушбу ҳужжатларни расмийлаштиргани, ҳақиқатдан ҳам иситиш қозонларига импорт кўмирга келишув қилганларини, аммо баъзи бир иситиш қозонлари маҳаллий кўмир билан яхши ёнганлиги сабабли 143 тонна маҳаллий кўмир олиб келганларини, ушбу ҳужжатларни туман иқтисодиёт ва молия бўлими ҳамда туман ММТБга топширгани, аммо улар қилинган ишларни текшириб олишмагани, ушбу ҳужжатларни республикадан пулларни олиб келиш мақсадида расмийлаштиргани, ушбу ҳужжатларни туман иқтисодиёт ва молия бўлими ҳамда туман ММТБга топширгани, аммо улар қилинган ишларни текшириб олишмагани, ушбу ҳужжатларни республикадан пулларни олиб келиш мақсадида расмийлаштиргани, аслида 2023 йил 03 ноябрь ва 2023 йил 21 декабрдаги 1-сонли “Справка счёт-фактура” ҳужжатларга мактаб ва боғча раҳбарлари имзо қўйиши лозим эмаслигини, уларга илтимос қилиб, 2023 йил 03 ноябрдаги 1-сонли “Справка счёт-фактура” ҳужжатларга имзо қўйдиргани, 2023 йил 21 декабрдаги 1-сонли “Справка счёт-фактура” ҳужжатларни опаси Н.Рахимова тайёрлагани, аммо мактаб ва боғча раҳбарлари аниқланган камоматга умуман алоқаси йўқлигини, юқоридаги ҳолатлар бўйича йўл қўйган хато ва камчиликларини тушуниб етгани, келтирилган зарарларни тўлиқ бартараф этгани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, унга нисбатан қонуний енгиллик берилишини сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи Рахимова Нозимахон Ахроржоновна суд мажлисида айбига иқрорлик билдириб, 2003 йил март ойидан 2023 йил октябрь ойига қадар Ипотека банкда кассир бўлиб ишлагани, укаси А.Рахимов ва дўстлари 2021 йил



18 февралда Бўстон тумани давлат хизматларидан рўйхатдан ўтган “DOBRIY” МЧЖ ташкил қилишгани, ушбу жамият дастлаб таъминотчи сифатида фаолият юритгани, 2022 йил декабрь ойидан ушбу жамият тўлиқ уларга ўтиб, ушбу жамиятга таъсисчи сифатида киргани, шундан бошлаб жамиятга кўшнилари Р.Маъруфжонов раҳбар бўлиб қолгани, аммо жамият фаолиятини укаси бошқариб келгани, шу вақтда жамият турли хилдаги ноозик-овқат маҳсулотлари олди-сотдиси билан шуғуллангани, 2023 йил январь ойидан бошлаб ушбу жамиятга укаси А.Рахимов раҳбарлик қилгани, сўнг жамиятда қурилиш ишларини амалга оширишни ҳам йўлга қўйгани, укаси банк масаласида маслаҳат сўраганида ўзи банкда ишлаганлиги сабабли ёрдам бериб тургани, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги ПК-118-сонли “Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида”ги қарорининг 2-иловасига кўра Балиқчи туманида 2023 йилда 123 та ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ва бошқариш тизимини жорий этиш бўйича давлат-хусусий шериклик асосида хусусий сектор иштирокида босқичма-босқич жорий этиш белгилангани, юқоридаги қарорга мувофиқ тасдиқланган битимга кўра Балиқчи туманида 52 таси ижтимоий соҳа муассасалари 2-лот “DOBRIY” МЧЖга бириктириб берилган бўлиб, шундан 26 та ижтимоий соҳа муассасаларини жорий йилда модернизация қилиш ишларини бажарилиши белгилангани, тасдиқланган битимга асосан жорий йилда модернизация қилиш учун 26 та ижтимоий соҳа муассасаларида жами бўлиб, 6 млрд 063 млн сўмлик ишлар амалга оширилиши белгиланган бўлиб, ушбу маблағдан 50 фоизи давлат бюджети ҳисобидан 50 фоизи тадбиркор ҳисобидан сарфланиши кўрсатилгани, “DOBRIY” МЧЖга 52 та ижтимоий соҳа муассасаларидан 23 та ижтимоий соҳаларда иситиш тизимларини модернизация қилиш учун бюджетдан 50 фоиз 1.826.0 млн сўм белгилангани ҳамда 2023 йил 08 ноябрь куни ҳолатига 548.0 млн сўм маблағ ўтказиб берилган бўлиб, ҳозирги кун ҳолатига модернизация ишлари якунлангани, “DOBRIY” МЧЖга тасдиқланган битимга кўра 52 та ижтимоий соҳа муассасаларига 2023-2024 йил куз-қиш мавсуми учун импорт кўмир жамғариш режаси 2.464.0 млн сўмлик 2.622 тонна белгиланган бўлиб, 2023 йил 08 ноябрь ҳолатига 2.214 тоннага 2.082.0 млн сўм маблағ уни ҳисобига ўтказиб берилгани, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 08 ноябрь куни ҳолатига тумандаги ижтимоий соҳа муассасаларига 724 тонна шундан 143 тонна маҳаллий ва 581 тонна импорт кўмир олиб келингани, шунингдек, “DOBRIY” МЧЖга ДХШ асосида ижтимоий соҳаларни иситиш учун бюджетдан 143 тонна импорт кўмир сотиб олиш учун 134.420.0 минг сўм маблағ ажратилган бўлиб, ушбу ўтказилган маблағлар ҳисобидан 43 тонна 59.917.0 минг сўмлик маҳаллий кўмир олинганлиги натижасида 74.503.5 минг сўм камомадга йўл қўйилганларини, “DOBRIY” МЧЖга 23 та ижтимоий соҳа муассасаларига 53 та янги умумий қуввати 3805 жами суммаси 2 млрд 410 млн 658 сўмлик иситиш қозонлари ўрнатиш учун бюджетдан 50 фоиз 1.205.0 млн сўм белгилангани ҳамда унга 603.0 млн сўм маблағ ўтказиб берилгани, 2023 йил 08 ноябрь куни ҳолатига жамиятлари томонидан 29 дона янги иситиш қозонлари шундан, 10 та



муассасага 12 дона Туркия давлатида ишлаб чиқарилган КОЗЛУСАН русумли иситиш қозонлари келтирилиб ўрнатилгани ва 7 та муассасага 17 дона Қирғизистон Республикасида ишлаб чиқарилган иситиш қозонлари муассасаларга олиб келингани, аслида 5-умумтаълим мактабига 1 дона қуввати 60 киловат 28.120.0 минг сўмлик, 4 дона қуввати 80 киловат 134.010.0 минг сўмдан жами 536.040.0 минг сўмлик, 19-умумтаълим мактабига 1 дона қуввати 40 киловат 23.540.0 минг сўмлик, 1 дона 130 киловат 50.615.5 минг сўмлик, 4-мактабгача таълим ташкилотига 1 дона қуввати 100 киловат 64.274.0 минг сўмлик, 7-мактабгача таълим ташкилотига 2 дона қуввати 60 киловат 101.231.0 минг сўмлик, 10-мактабгача таълим ташкилотига 2 дона қуввати 60 киловат 101.231.0 минг сўмлик, 19-сонли болалар мусиқа мактабига 3 дона қуввати 60 киловат 151.846.0 минг сўмлик, Спорт мактабига 1 дона қуввати 80 киловат 58.971.0 минг сўмлик, 1 дона қуввати 130 киловат 79.699.0 минг сўмлик жами 793.537.5 минг сўмлик Туркия давлатида ишлаб чиқарилган КОЗЛУСАН русумли иситиш қозонлари ижтимоий соҳа муассасаларига олиб келиб ўрнатишлари керак бўлса-да, жамиятлари томонидан ИП “Жолдошев Бектур Сапарбекович” ва “Dobriy” МЧЖ ўртасида имзоланган 2023 йил 15 октябрдаги №01-сонли ҳисоб-фактурага асосан 8 дона, 2023 йил 27 октябрдаги №02-сонли ҳисоб-фактурага асосан 4 дона ҳамда 2023 йил 27 октябрдаги №3-сонли ҳисоб-фактурага асосан 5 дона жами 17 дона 350.242.5 минг сўмлик Қирғизистон Республикасида ишлаб чиқарилган арзон нархдаги иситиш қозонлари келтирилгани ҳамда 5-умумтаълим мактабига қуввати 45 киловатлик 2 дона, 80 киловатлик 4 дона, 19-умумтаълим мактабига қуввати 80 киловатлик 2 дона, 4-мактабгача таълим ташкилотига қуввати 55 киловатлик 2 дона, 7-мактабгача таълим ташкилотига қуввати 55 киловатлик 1 дона, қуввати 60 киловатлик 1 дона, 10-мактабгача таълим ташкилотига 40 киловатлик 1 дона, 50 киловатлик 1 дона, 19-сонли болалар мусиқа мактабига 55 киловатлик 1 дона, қуввати 60 киловатлик 1 дона, спорт мактабига қуввати 80 киловатлик 1 дона иситиш қозонлари тақсимланганлиги, натижада “Dobriy” МЧЖ томонидан Балиқчи туманидаги 15 та муассасаларга тасдиқланган битимда кўрсатилган 603.000.0 минг сўмлик иситиш қозонлари қийматига нисбатан 17 дона 252.757.5 минг сўмлик камомадга йўл қўйганларини, укаси А.Рахимов битимда назарда тутилган кўмир маҳсулотларини олиб келиш мақсадида 2023 йил октябрь ойида Қирғизистон Республикасига ўтиб кетгани, шундан сўнг жамият фаолиятини ўзи юргизиб, жамиятга раҳбарлик қилиб келгани, 2023 йилда пудратчи “Dobriy” МЧЖ томонидан Балиқчи тумани худудидаги 2-лот таркибига бириктирилган (умумий 52 та объект. Шундан, 22 таси ўрганилди) ижтимоий соҳа объектларини иситиш тизимини таъмирлаш ва янги иситиш қозонларини ўрнатиш учун давлат бюджетидан ажратилган маблағларни мақсадли сарфланиши юзасидан ўтказилган назорат ўлчов ишлари натижасида бажарилган иш ҳажмларига тузилган қиймати 5.519.909.072 сўмлик форма-2, форма-3 ҳисоботларига нисбатан 1.324.99.679 сўмлик иш ҳажмлари жойида кам бажарилиб, пудратчи томонидан тузилган ҳисоботларида ортиқча ёзиб кўрсатилганлиги аниқлангани, бундан ташқари, “Dobriy” МЧЖ томонидан 2023 йил 08 ноябрь ҳолатига ижтимоий соҳа объектларини иситиш тизимини



таъмирлаш ва янги иситиш қозонларини ўрнатганлиги юзасидан 52 фоизга бажарилганлиги ҳақида расмийлаштирилган форма-2 шаклдаги ҳисоботлари бўйича ҳам назорат ўлчовидан ўтказилганида пудратчи “Dobriy” МЧЖ томонидан бажарилган иш ҳажмларига 2023 йил 03 ноябрь куни тузилган қиймати 3.165.985.283 сўмлик 1-сонли форма-2, форма-3 ҳисоботларига нисбатан 360.262.950 сўмлик иш ҳажмлари жойида кам бажарилиб, пудратчи томонидан тузилган ҳисоботларида ортиқча ёзиб кўрсатилганлиги аниқлангани, жамиятни раҳбари укаси А.Рахимов ҳисобланишини, жамиятни укаси билан бирга бошқариб келганларини, банкда ишлаганлиги сабабли асосан жамиятни молиявий масалаларини ҳал қилгани, иситиш тизимида ўтказилган назорат ўлчови бўйича тузилган далолатномалар билан танишиб чиққани, уларга нисбатан эътирози йўқлигини, юқорида айтиб ўтилган Ф-2 ва Ф-3 ҳисоботлари (ҳисобварақ-фактура)лар қурилиш объектида бажарилган ишлар бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар эканлигидан хабари бўлгани, аммо ушбу ҳужжатларни биринчи маротаба тайёрлагани, 2023 йил 21 декабрдаги 1-сонли “Справка счѐт-фактура” ҳужжатларга ўзи имзо қўйгани, ушбу ҳужжатларни укаси А.Рахимов тузгани ва ундаги имзолар укасига тегишлилигини, ушбу ҳужжатларни ўзи тузгани ва ундаги имзолар ўзига тегишлилигини, ушбу бажарилмаган ишларни қўшиб ёзилганилигидан хабари бўлгани, ушбу бажарилмаган ишларни келгусида бартараф қилиб қўйиб, сўнг тақдим қилмоқчи бўлгани, ҳақиқатдан ҳам иситиш қозонларига импорт кўмирга келишув қилганларини, аммо баъзи бир иситиш қозонлари маҳаллий кўмир билан яхши ёнганлиги сабабли 143 тонна маҳаллий кўмир олиб келганларини, ушбу ҳужжатларни укаси А.Рахимов расмийлаштиргани, уларни кимга топширганлигидан ва уларни текшириб олган ёки олмаганлигидан хабари йўқлигини, аслида 2023 йил 21 декабрдаги 1-сонли “Справка счѐт-фактура” ҳужжатларга мактаб ва боғча раҳбарлари имзо қўйиши лозим эмаслигини, уларни илтимос қилиб имзо қўйдиргани, аммо уларни аниқланган камоматга умуман алоқаси йўқлигини, юқоридаги ҳолатлар бўйича йўл қўйган хато ва камчиликларини тушуниб етгани, келтирилган зарарларни тўлиқ бартараф этгани, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, унга нисбатан қонуний енгиллик берилишини сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи Дехканов Каххаржон Тешабоевич суд мажлисида айбига иқдорлик билдириб, 2023 йил 27 апрелдан буён эгаллаб турган Балиқчи тумани ММТБда эксплуатация хизмати бош муҳандиси лавозимида ишлаб келмоқдалигини, уни хизмат вазифаларига туман ММТБ ва унинг тасарруфидаги муассасаларни янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёрлаш, уларни иситиш тизимини сифатли ва самарали ишлашини назорат қилиш, муассасаларда электр энергия табиий газ, иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик истеъмоли ҳисоблагичларни талаб доирасида ишлашини таъминлаш ва уларни мониторинг қилиб бориш ва бошқалар киришини, Балиқчи тумани ҳудудидаги 2-лот таркибига бириктирилган (умумий 52 та объектда) ижтимоий соҳа объектларини иситиш тизимини таъмирлаш ва янги иситиш қозонларини ўрнатиш учун объектнинг ишчи лойиҳа ва смета ҳужжатлари “Jakhon architects” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилгани ҳамда ишчи лойиҳа ва смета ҳужжатлари



Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Андижон вилоят филиали томонидан экспертиза кўригидан ўтказилиб, 2023 йил 13 июнда йиғма эксперт хулосалари берилгани, пудрат ишларини бажариш юзасидан “Балиқчи туман ҳокимлиги” билан “Dobriy” МЧЖ ўртасида тузилган битимга асосан Балиқчи тумани ҳудудидаги 2-лотга бириктирилган жами 52 та ижтимоий соҳа объектларига хизмат кўрсатиш, яъни 53 та янги иситиш қозони, 803 та иситиш батареяларини алмаштириш, 10.216 метр трубаларни монтаж қилиш ишлари учун 6.063.199.800 сўмлик лойиҳа тузилиб, шундан 3.031.199.900 сўмини бюджет маблағидан қолган 3.031.199.900 сўми пудратчининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш белгилангани, ушбу тузилган битим Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2023 йил 05 июль куни DXSH58-2023 рақами билан реестрга олингани, “Dobriy” МЧЖ томонидан мактаб ва боғчаларда амалга оширилган ишлари юзасидан 2 маротаба расмийлаштирилган “Справка счёт-фактура” ҳужжатларини текшириб кўриб, уларга у ҳам имзо қўйиб бергани, шу вақтда жамият томонидан лойиҳа-сметада кўрсатилган ишлар кечикаётганлиги сабабли амалда бажарилган ишларни бирма-бир текшириб олмасдан туриб, ҳужжатларга имзо қўйиб бергани, пудратчи “Dobriy” МЧЖ томонидан бажарилган иш ҳажмларига 2023 йил 03 ноябрь куни тузилгани ва у томонидан имзоланган қиймати 3.165.985.283 сўмлик 1-сонли “Справка счёт-фактура” ҳужжатларини бўйича форма-2, форма-3 ҳисоботлари назорат ўлчовидан ўтказилганида 360.262.950 сўмлик иш ҳажмлари жойида кам бажарилиб, пудратчи томонидан тузилган ҳисоботларида ортиқча ёзиб кўрсатилганлиги аниқлангани, бундан ташқари, 2023 йил 21 декабрь ҳолатига пудратчи “Dobriy” МЧЖ томонидан Балиқчи тумани ҳудудидаги 2-лот таркибига бириктирилган (умумий 52 та объект. Шундан, 22 таси ўрганилди) ижтимоий соҳа объектларини иситиш тизимини таъмирлаш ва янги иситиш қозонларини ўрнатиш учун давлат бюджетидан ажратилган маблағларни мақсадли сарфланиши юзасидан ўтказилган назорат ўлчов ишлари натижасида объектда 91 фоизга бажарилган иш ҳажмларига тузилган қиймати 5.519.909.072 сўмлик форма-2, форма-3 ҳисоботларига нисбатан 1.324.999.679 сўмлик иш ҳажмлари жойида кам бажарилиб пудратчи томонидан тузилган ҳисоботларида ортиқча ёзиб кўрсатилганлиги аниқлангани, “Dobriy” МЧЖ томонидан бўлим тасарруфидаги мактаб ва боғчаларда амалга оширилган ишларни текширишга тўлиқ улгурмагани, “Dobriy” МЧЖ томонидан қилинган ишлар юзасидан расмийлаштирилган “Справка счёт-фактура” ҳужжатларига мактаб ва боғча директорлари ҳам имзо қўйгани, уларни ушбу текширишда аниқланган камоматга алоқаси йўқлигини, кўпчилиги ушбу ҳужжатга у имзо қўйганидан сўнг имзолаб беришгани, иситиш тизимида ўтказилган назорат ўлчови бўйича тузилган далолатномалар билан танишиб чиққани, уларга нисбатан эътирози йўқлигини, юқорида айтиб ўтилган Ф-2 ва Ф-3 ҳисоботлари (ҳисобварақ-фактура) қурилиш объектида бажарилган ишлар бўйича ҳар ой якуни билан, қурилиш ишлари якунланганида эса якуний Ф-2 ва Ф-3 ҳисоботлари тузилиб, ушбу Ф-2 ва Ф-3 ҳисоботлари тегишли тартибда пудратчи ташкилот раҳбари, шу қурилиш объектига бириктирилган мутахассис ва маъсул ходимлари



томонидан тасдиқланишини, ушбу ҳисоботлар тасдиқлангандан сўнг ҳисобот буюртмачи корхонага топширилишини, ушбу Ф-2 ва Ф-3 ҳисоботлари асосида буюртмачи корхона бажарилган ишлар эвазига пудратчи корхонага тўлов суммасини тўлаб беришини, ушбу Ф-2 ва Ф-3 ҳисоботлари бажарилган ишлар учун тўловни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжат ҳисобланишини, пудратчи томонидан иситиш тизимидаги ишлари тугалланмаган бўлса-да, ишлар 52 фоизга бажарилганлиги тўғрисида тузилган Ф-2 ва Ф-3 ҳисоботларига имзо чекиб тасдиқлаб беришига сабаб пудратчи “Dobriy” МЧЖ томонидан ишларни етказа олмаётганлиги, маблағлар тугаб қолганлиги учун юқоридаги ҳисоботларга имзо чекиб тасдиқлаб бергани, ушбу ҳисобот ҳужжатлари асосида буюртмачи томонидан пудратчига тўловлар амалга оширилгани, ҳақиқатда юқоридаги Ф-2 ва Ф-3 ҳисоботларида амалда бажарилган ишлар кўрсатилиши керак бўлгани, ушбу бажарилмаган ишларни кўшиб ёзилганилигидан хабари бўлмагани, шу вақтда амалда бажарилган ишларни тўлиқ текшириб кўрмасдан туриб, ҳужжатларга имзо қўйиб бергани, чунки шу вақтда ишлар орқада қолиб келгани, уни етказиб олиш учун пудратчига маблағ керак бўлиб турганлиги сабабли ушбу ҳужжатларга имзо қўйиб бергани, ушбу бажарилмаган ишларни кўшиб ёзилганлигидан хабари бўлмагани, ушбу ҳужжатларни тешириб кўришга тўлиқ улгурмагани, мактаб ва боғча директорлари уни гапига ишониб, ушбу ҳужжатларга имзо қўйиб беришган экани, объектда бажарилган ишлар юзасидан Ф-2 ва Ф-3 ҳисоб-фактураларни дастлаб, “Dobriy” МЧЖ раҳбари А.Рахимов ва охириги ҳужжатларни уни опаси Н.Рахимова имзолаб, унга ўзи бериб юборгани, ушбу аниқланган камоматга умуман алоқаси ва манфаатдорлиги йўқлигини, ушбу ишларни текшириб кўриб сўнг имзолаб бериши керак бўлгани, аммо бажариладиган ишлар орқага сурилиб кетганлиги учун имзо қўйиб беришга мажбур бўлгани, унга ҳеч ким ушбу ҳужжатларга имзо қийиш учун илтимос қилмагани ёки мажбурламагани, ҳақиқатдан ҳам “Dobriy” МЧЖ томонидан бажариладиган ишларни кечга қолаётганлиги сабабли ишларни тезлаштириш мақсадида уларга имзо қўйиб беришини айтгани, пуллар жамиятга келиб тушса, тезроқ ишларни бажаради деб ўйлагани, ушбу ҳолатдан туман ММТБ раҳбари Н.Хакимовани ҳам хабари бўлгани, ҳозирда айбига иқрорлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, ўзига нисбатан қонуний енгиллик берилишини сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Фуқаровий даъвогар Ганиев Бахтиёр Юлдашевич суд мажлисида, А.Рахимов 2022 йил декабрь ойида ўзига олдиндан яқин дўсти З.Обидовга тегишли кўшниси Р.Маърифжонов томонидан фойдаланиб келинаётган “DOBRIY” МЧЖни ўзига олиб, опаси Н.Рахимовани жамиятга таъсисчи, ўзини эса ёрдамчи ишчи сифатида киритиб, жамиятни молиявий хўжалик фаолияти ва оператив бошқарувини опаси Н.Рахимова билан бирга бошқариб келиб, “Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида”ги ПК-118-сонли Қарорига мувофиқ Балиқчи тумани ҳокимлиги билан “DOBRIY” МЧЖ ўртасида тузилган Давлат-хусусий шерикчилик битимига (Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 05.06.2023 йилда DXSH58-2023-рақами билан



реестрга олинган) асосан Балиқчи тумандаги 52 та ижтимоий соҳа муассасаларини иситиш мақсадида 2.621,7 тонна импорт кўмирга (1 тонна нархи 940 минг сўм) 2.464.443.2 минг сўм миқдорида маблағ режалаштирилганлигидан фойдаланиб, бюджет маблағларини талон-торож қилиш орқали ноқонуний даромад топиш борасида Н.Рахимова билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, режалаштирилган маблағдан 2.382 тонна учун жами 2.238.924 минг сўм маблағлар жамият ҳисоб-рақамига ўтказиб берилган бўлса-да, А.Рахимов ва бошқалар ўтказилган маблағлар ҳисобидан 134.420 минг сўмлик 143 тонна импорт кўмир ўрнига умумий қиймати 59 млн. 917 минг сўмлик 143 тонна маҳаллий кўмир (1 тонна нархи 419 минг сўм) маҳсулотини етказиб бериб, 74.503,5 минг сўмлик бюджет маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишгани, бундан ташқари, А.Рахимов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2022 йил 27 декабрдан “DOBRIY” МЧЖга норасмий раҳбарлик қилиб, МЧЖни опаси Н.Рахимова билан бирга бошқариб келиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги “Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида”ги ПҚ-118-сонли Қарорига мувофиқ Балиқчи тумани ҳокимлиги билан “DOBRIY” МЧЖ ўртасида тузилган 2023 йил 27 июндаги Давлат-хусусий шерикчилик битимига (Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 05.07.2023 йилда DXSH58-2023-рақами билан реестрга олинган) асосан Балиқчи тумани ҳудудидаги 2-лотга бириктирилган жами 52 та ижтимоий соҳа объектларига хизмат кўрсатиш яъни 53 та янги иситиш қозони, 803 та иситиш батареяларини алмаштириш, 10.216 метр трубаларни монтаж қилиш ишлари учун жами 6.063.199.800 сўмлик лойиҳа тузилиб, шундан 3.031.199.900 сўмини бюджет маблағидан қолган 3.031.199.900 сўми пудратчининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш белгиланганлигидан фойдаланиб, бюджет маблағларини талон-торож қилиш орқали ноқонуний даромад топиш борасида Н.Рахимова ва бошқалар билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, битимга асосан пудратчи “DOBRIY” МЧЖ томонидан объектда белгиланган таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилмагани ҳолда, 2023 йил 03 ноябрь ҳолатига иситиш тизимини модернизация ишлари гўёки 52 фоизга бажарилганлигини кўрсатиб, 3.165.873.331 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақида Ф-2 ва Ф-3 тўлов ҳужжатларини тузиб, ғайриқонуний йўл билан бойлик орттиришда ифодаланган ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, тўлов ҳужжатларига амалда бажарилмаган 360.262.950 сўмлик ишларни бажарилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритиб, ўзи фойдаланиши мақсадида расмий ҳужжатларни сохталаштириб, ушбу ҳужжатларнинг қалбаки эканлигини била туриб тақдим этиш орқали буюртмачи Балиқчи тумани ММТБ томонидан пудратчи “DOBRIY” МЧЖнинг ҳисоб рақамига жами 360.262.950 сўм миқдоридаги пул маблағлари олдиндан ўтказиб берилишига эришиб, текшириш кунига қадар ўтказилган пул маблағларига нисбатан бажарилиши лозим бўлган иш турларини бажармасдан, ушбу пулларни бошқа мақсадларда сарфлаб юбориб, ўзларига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани



ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилгани, шунингдек, А.Рахимов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2022 йил 27 декабрдан “DOBRIY” МЧЖга норасмий раҳбарлик қилиб, МЧЖни опаси Н.Рахимова билан бирга бошқариб келиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 апрелдаги “Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида”ги ПҚ-118-сонли Қарорига мувофиқ Балиқчи тумани ҳокимлиги билан “DOBRIY” МЧЖ ўртасида тузилган Давлат-хусусий шерикчилик битимига (*Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 05.06.2023 йилда DXSH58-2023-рақами билан реестрга олинган*) асосан Балиқчи тумани ҳудудидаги 2-лотга бириктирилган жами 52 та ижтимоий соҳа объектларига хизмат кўрсатиш яъни 53 та янги иситиш қозони, 803 та иситиш батареяларини алмаштириш, 10.216 метр трубаларни монтаж қилиш ишлари учун 6.063.199.800 сўмлик лойиҳа тузилиб, шундан 3.031.199.900 сўмини бюджет маблағидан қолган 3.031.199.900 сўми пудратчининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш белгиланганлигидан фойдаланиб, бюджет маблағларини талон-торож қилиш орқали ноқонуний даромад топиш борасида Н.Рахимова ва бошқалар билан олдиндан тил бириктириб, битимга асосан пудратчи “DOBRIY” МЧЖ томонидан объектда белгиланган таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилмагани ҳолда, 2023 йил 21 декабрь ҳолатига иситиш тизимини модернизация ишлари гўёки 91 фоизга бажарилганлигини кўрсатиб, 5.519.909.072 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилганлиги ҳақида Ф-2 ва Ф-3 тўлов ҳужжатларини тузиб, ғайриқонуний йўл билан бойлик орттиришда ифодаланган ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, тўлов ҳужжатларига амалда бажарилмаган 1.324.999.679 сўмлик ишларни бажарилганлиги ҳақида сохта маълумотлар киритиб, расмий ҳужжатларни сохталаштириб тақдим этиш орқали буюртмачи Балиқчи тумани ММТБ томонидан пудратчи “DOBRIY” МЧЖнинг ҳисоб рақамига 360.262.950 сўм миқдоридаги пул маблағлари олдиндан ўтказиб берилишига эришиб, қолган 964.736.729 сўм қисмини ҳам қўлга киритишга қасд қилиб, текшириш кунига қадар ўтказилиши мумкин бўлган пул маблағларига нисбатан бажарилиши лозим бўлган иш турларини бажармасдан, жуда кўп миқдордаги маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишга суиқасд қилиб, 964.736.729 сўм пуллар бюджетдан ажратилмай қолганлиги сабабли жиноий ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмагани ҳолда охирига қадар етказа олишмаганлигидан хабардор эканлигини, ҳозирда судланувчилар томонидан келтирилган зарарлар тўлиқ қоплаб берилгани, судланувчиларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, уларга нисбатан қонуний енгиллик берилишини сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Маърифжонов Раҳматжон Аъзамжон ўғли суд мажлисида, 2014 йилда коллежни тамомлаганидан сўнг савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиб келишини, 2022 йил ўрталарида савдо ишларини кенгайтириш ва ўзига савдо дўкони очиш мақсадида банкдан кредит олмоқчи бўлгани, шунда кредит пуллари юридик шахсни номига чиқишини айтишганидан сўнг акаси С.Сайдалиевни дўсти бўлган З.Обидовдан “DOBRIY” МЧЖ олиб тургани, 2022



йил 01 июлда МЧЖга раҳбари ва таъсисчиси сифатида тайинлангани, ушбу МЧЖдан фойдаланиб, ўзига “Халқ банки”дан 200 млн. кредит олгани, сўнг ушбу МЧЖ фаолиятини юритмагани, 2022 йил декабрь ойига келиб, ушбу МЧЖни қўшниси А.Рахимов “қўмир савдоси билан шуғулланаман” деб З.Обидовдан сўраб олгани, кейин А.Рахимов ушбу МЧЖни фаолиятини юргизгани, аммо МЧЖ раҳбари сифатида қолиб кетган экани, 2023 йилни август ойида уни А.Рахимовни банкда ишловчи опаси Н.Рахимова банкка чақириб, МЧЖ раҳбари бўлганилиги сабабли пул чиқариб беришни сўрагани, шунда бир икки маротаба банкдан пул олиб бергани, шундан сўнг бунақа ишларни тушунмаганилиги сабабли А.Рахимовга МЧЖдан уни чиқариб юборишини айтгани, кейин Бўз туманидаги давлат хизматлари марказига бориб, МЧЖни Н.Рахимова номига ўтказиб бергани, шу бўйича уни бошқа безовта қилишмагани, шу кунга қадар “DOBRIY” МЧЖ номидан бир икки маротаба банкдан пул олиб бергани, бошқа МЧЖ билан боғлиқ ҳужжатларга имзо қўймагани ва жамиятни ишларига аралашмагани, 2022 йил 01 июлдан 2022 йил декабрь ойига қадар жамият раҳбари бўлгани, 2022 йил декабрь ойида жамиятни қўшниси А.Рахимов қўмир савдоси билан шуғулланмоқчи бўлиб З.Обидовдан жамиятни сўраб олгани, кейин жамиятни у фойдаланиб келгани, аммо солиқ ва банк органларида жамиятни раҳбари сифатида қолиб кетган экани, бундан кейинчалик 2023 йил августда хабар топгани, шунда А.Рахимов жамият раҳбари бўлганилиги сабабли банкдан пул чиқариб беришни айтгани, сўнг “жамиятни ўзларингни номларингга ўтказиб олинглар, мени бошқа овора қилманглар” деганидан кейин октябрь ойларида жамият раҳбарлигидан ҳам бўшагани, уни ушбу ҳолатдан хабари йўқлигини, 2022 йил декабрь ойида қўшниси А.Рахимов “қўмир савдоси билан шуғулланаман” деб “Dobriy” МЧЖни ўзига олгани, шу бўйича ушбу жамият фаолиятига аралашмагани ва нима билан шуғулланганидан хабари йўқлигини, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил декабрь ойида қўшниси А.Рахимовга жамиятни топширгани, шунда А.Рахимовни опаси Н.Рахимова билан давлат хизматларига бориб, жамиятни унга ўтказиб бергани, аммо ҳужжатли ишларга тушунмаганилиги сабабли жамиятни таъсисчиси сифатида Н.Рахимовага ўтган экани, раҳбари сифатида ўзи қолиб кетган экани, бундан 2023 йилни август ойларида банкка чақирганида хабар топгани, сўнг А.Рахимовга раҳбарликдан ҳам чиқариб юборишини айтганида 2023 йил октябрь ойида жамият раҳбарлигидан ҳам расмий бўшатиб қўйишгани, аммо 2022 йил декабрь ойидан кейин жамият ишларига умуман аралашмагани ва А.Рахимов нима билан шуғулланганидан ҳам хабари йўқлигини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Режаббоев Илхомжон Комилович суд мажлисида, халқ таълими тизимида 1989 йил сентябрь ойидан, эгаллаб турган Балиқчи тумани ММТБга қарашли 3-сонли умумтаълим мактаби директори лавозимида 2017 йил июль ойидан буён ишлаб келмоқдалигини, уни хизмат вазифаларига мактабга умумий раҳбарлик қилиб, ходимларни ишга олиш ва ишдан бўшатиш, уларни малакасини ошириш, ўқув тарбиявий ишлар йўналишини, маънавий-маърифий ишлар ҳамда мавжуд моддий-техник таъминотни умумий назорат қилиш ва бошқалар киришини, ҳақиқатдан ҳам раҳбарлик қиладиган мактабни 2023-2024



йил куз-қиш мавсумида иситиш тизимларини модернизация қилиш, янги иситиш қозони ўрнатиш ва иситиш “D0BRIY” МЧЖга берилгани, шунга асосан “D0BRIY” МЧЖ мактабда иситиш тизимларини таъмирлаб, янги иситиш қозонлари олиб келгани, жамиятнинг мактабда амалга оширилган ишлари юзасидан 2 маротаба расмийлаштирилган “Справка счёт-фактура” ҳужжатларига у ҳам имзо қўйиб бергани, 2023 йил 03 ноябрдаги 1-сонли ҳамда 2023 йил 21 декабрдаги 1-сонли “Справка счёт-фактура” ҳужжатга қурилиш ишларига масъул бўлган туман ММТБ бош муҳандиси А.Дехқонов келиб текшириб олганидан сўнг уни гапига ишониб, ушбу ҳужжатларга имзо қўйгани, ушбу жамият томонидан мактабда амалга оширилган иситиш тизимидаги қурилиш ишлари туман прокуратураси томонидан назорат ўлчовидан ўтказилгани, 2023 йил 03 ноябрдаги 1-сонли “Справка счёт-фактура” ҳужжатга асосан Балиқчи тумани 2-сон умумий ўрта таълим мактабида бажарилган ишлар бўйича ўрганилганда, иситиш қозонига 3 дона манометр, 3 дона термостат, 3 дона обратний клапн ўрнатилмаган бўлиб, 1.978.247 сўмлик иш ҳажмлари кам бажарилиб, бунга пудратчининг 18.71 фоизли қўлланмаси учун 370.130 сўм, 12 фоизли ҚҚС учун 281.805 сўм қўшилиб, ҳаммаси бўлиб, 2.630.182 сўмлик иш ҳажми кам бажарилиб, ҳисоботига қўшиб ёзилганлиги аниқлангани, бундан ташқари, 2023 йил 21 декабрдаги 1-сонли “Справка счёт-фактура” ҳужжатга асосан Балиқчи тумани 2-сон умумий ўрта таълим мактабида бажарилган ишлар бўйича ўрганилганда, иситиш қозонига 3 дона манометр, 3 дона термостат, 3 дона обратний клапн ўрнатилмаган бўлиб, 1.978.247 сўм, 3 дона 3 фазали дизел генреторлари ўрнатилмаган бўлиб, 29.969.277 сўм жами 31.947.524 сўмлик иш ҳажмлари кам бажарилиб, бунга пудратчининг 18.71 фоизли қўлланмаси учун 5.607.252 сўм, 12 фоизли ҚҚС учун 4.506.573 сўм қўшилиб ҳаммаси бўлиб 42.061.349 сўмлик иш ҳажми кам бажарилиб ҳисоботига қўшиб ёзилганлиги аниқлангани, уни ушбу аниқланган камоматлардан умуман хабари йўқлигини, қурилиш ишларига тушунмаганлиги сабабли “D0BRIY” МЧЖ томонидан расмийлаштириб олиб келинган 2023 йил 03 ноябрдаги 1-сонли ҳамда 2023 йил 21 декабрдаги 1-сонли “Справка счёт-фактура” ҳужжатга қурилиш ишларига масъул бўлган туман ММТБ бош муҳандиси А.Дехқонов имзо қўйиб тасдиқлаганлигини кўриб, шундан сўнг имзо қўйгани, ушбу бажарилмаган ишларни қўшиб ёзилганилигидан хабари бўлмагани, унга жамият раҳбари келиб, ушбу ҳужжатни кўрсатиб туман ММТБ ходимлари ҳисоблаб берганлигини, “шунга сиз ҳам имзо қўйиб беринг” дегани, шунда туман ММТБ бош муҳандиси А.Дехқоновни текшириб кўриб чиққанидан сўнг уни гапларига ишониб, у ҳам имзо қўйиб бергани, бундан туман ММТБ раҳбари Н.Хакимовани ҳам хабари бўлгани, чунки баъзи мактаб директорлари ушбу ҳужжатга имзо қўймаганида уларни йиғиб, қурилиш ҳужжатларига имзо қўйишини айтганини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Саттаров Шавкатбек Шокиржанович суд мажлисида, молия тизимида 2013 йил июль ойидан, эгаллаб турган Булоқбоши тумани иқтисодиёт ва молия бўлими етакчи мутахассиси лавозимида 2023 йил март ойидан буён ишлаб келмоқдалигини, мазкур лавозимидаги хизмат вазифаларига бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган барча турдаги қурилиш-таъмирлаш



тижорий таклифга кўра Unimak “UKY-Y45” иситиш қозони нархи бир донаси 37.752.000 сўмни ташкил этсада бажарилган ишлар учун тузилган ҳисоботида Unimak “UKY-Y45” иситиш қозони учун 62.233.000 сўм ҳисобланиб, 2 та иситиш қозони учун 45.069.024 сўм, шунингдек мактабга ҳақиқатда 2 та иситиш қозони олиб келинган бўлса-да, бажарилган ишлар учун тузилган ҳисоботида 3 та иситиш қозони олиб келинганлиги ҳисобга олиниб, жойида 1 та кам ёки 62.233.000 сўм, ташқи иситиш тизимида 7 дона затвор ўрнатилмаган бўлиб, 2.151.094 сўм, қозонхонага 1 дона тутун тортиш учун мўри ва махсус туникадан зонт ўрнатиш ишлари бажарилмаган бўлиб, 1.727.474 сўм, 3 дона 3 фазали дизел генреторлари ўрнатилмаган бўлиб, 22.445.350 сўм, мактабда аслида қозонхона мавжуд бўлиб, қозонхона қуриш ишлари пудратчи томонидан бажарилмаган бўлиб, 20.553.218 сўм жами 154.179.160 сўмлик иш ҳажмлари кам бажарилиб, бунга пудратчининг 18.71 фоизли қўўланмаси учун 5.051.900 сўм, 12 фоизли ҚҚС учун 19.107.727 сўм қўшилиб ҳаммаси бўлиб 178.338.788 сўмлик иш ҳажми кам бажарилиб ҳисоботида қўшиб ёзиб кўрсатилгани, 21) Балиқчи тумани 50-сон умумий ўрта таълим мактабида бажарилган ишлар бўйича ўрганилганда, қозонхонага 1 дона тутун тортиш учун мўри ва махсус туникадан зонт ўрнатиш ишлари бажарилмаган бўлиб 1.727.474 сўм, 1 дона 3 фазали дизел генретор ўрнатилмаган бўлиб, 23.092.162 сўм жами 23.189.098 сўмлик иш ҳажмлари кам бажарилиб, бунга пудратчининг 18.71 фоизли қўўланмаси учун 178.374 сўм, 12 фоизли ҚҚС учун 2.804.097 сўм қўшилиб ҳаммаси бўлиб, 26.171.569 сўмлик иш ҳажми кам бажарилиб ҳисоботида қўшиб ёзиб кўрсатилгани, 22) Балиқчи тумани БАБМда бажарилган ишлар бўйича ўрганилганда, ташқи иситиш тизимида 5 дона затвор ўрнатилмаган бўлиб, 1.536.495 сўм қозонхонага мўри қуриш ишлари ва махсус туникадан зонт ўрнатиш ишлари бажарилмаган бўлиб 4.406.934 сўм, 1 дона 3 фазали дизел генретор ўрнатилмаган бўлиб, 13.490.367 сўм жами 19.433.796 сўмлик иш ҳажмлари кам бажарилиб, бунга пудратчининг 18.71 фоизли қўўланмаси учун 1.272.253 сўм, 12 фоизли ҚҚС учун 2.484.726 сўм қўшилиб, ҳаммаси бўлиб 23.190.775 сўмлик иш ҳажми кам бажарилиб ҳисоботида қўшиб ёзиб кўрсатилгани, 2023-йилда пудратчи “Dobriy” МЧЖ томонидан Балиқчи тумани ҳудудидаги 2-лот таркибига бириктирилган ижтимоий соҳа объектларини иситиш тизимини таъмирлаш ва янги иситиш қозонларини ўрнатиш учун давлат бюджетидан ажратилган маблағларни мақсадли сарфланиши юзасидан ўтказилган назорат ўлчов ишлари натижасида бажарилган иш ҳажмларига тузилган қиймати 5.519.909.072 сўмлик форма-2, форма-3 ҳисоботларига нисбатан 1.324.99.679 сўмлик иш ҳажмлари жойида кам бажарилиб, пудратчи томонидан тузилган ҳисоботларида ортиқча ёзиб кўрсатилганлиги аниқлангани, бундан ташқари, “Dobriy” МЧЖ томонидан 2023 йил 03 ноябрь ҳолатига ижтимоий соҳа объектларини иситиш тизимини таъмирлаш ва янги иситиш қозонларини ўрнатганлиги юзасидан 52 фоизга бажарилганлиги ҳақида расмийлаштирилган Форма-2 шаклдаги ҳисоботлари бўйича ҳам назорат ўлчовидан ўтказгани, ўтказилган назорат ўлчов ишлари натижасида, пудратчи “Dobriy” МЧЖ томонидан бажарилган иш ҳажмларига 2023 йил 03 ноябрь кунини тузилган қиймати 3.165.985.283 сўмлик 1-сонли форма-2, форма-3



ҳисоботларига нисбатан 360.262.950 сўмлик иш ҳажмлари жойида кам бажарилиб, пудратчи томонидан тузилган ҳисоботларида ортиқча ёзиб кўрсатилганлиги аниқлангани, ушбу объектда ўтказилган назорат ўлчовларини буюртмачи Балиқчи тумани ММТБ ва пудратчи “Dobriy” МЧЖ томонидан 91 фоиз учун имзоланган форма-2 ва форма-3 шаклидаги ҳисобот, лойиҳа-смета ва битимга асосан ўтказгани, Балиқчи тумани ҳудудидаги 2-лот таркибига бириктирилган 52 та ижтимоий соҳа объектларини иситиш тизимини таъмирлаш ва янги иситиш қозонларини ўрганганлиги бўйича ишлар 91 фоизга якунлангани, ушбу бажарилган ишлар бўйича 2 маротаба форма-2 ва форма-3 шаклидаги ҳужжатлари расмийлаштирилгани, дастлабки 2023 йил 03 ноябрь кунги 52 фоизга ишлар бажарилганлиги юзасидан форма-2 ва форма-3 шаклидаги ҳужжат пудратчи “Dobriy” МЧЖ А.Рахимов, Балиқчи тумани молия ва иқтисодиёт бўлими бошлиғи Х.Мухаммаджонов, Балиқчи тумани ММТБ бошлиғи Н.Ҳакимова ва муҳандиси А.Дехқоновлар томонидан имзоланиб, қабул қилиб олингани, иккинчи 2023 йил 21 декабрь куни 91 фоизга ишлар бажарилганлиги юзасидан форма-2 ва форма-3 шаклидаги ҳужжат пудратчи “Dobriy” МЧЖ Н.Рахимова имзолагани, буюртмаси сифасида эса 19-сонли мусиқа мактаби, 1-сонли, 8-сонли, 10-сонли, 27-сонли, 31-сонли ДМТТ, 2-сонли, 3-сонли, 5-сонли, 21-сонли умумтаълим мактаблари раҳбарлари ва туман ММТБ муҳандиси А.Дехқонов томонидан имзолангани, ушбу объектдаги бажарилган ишларни пудратчи вакили Н.Рахимова, туман ММТБ муҳандиси А.Дехқонов ва туман молия ва иқтисодиёт бўлими мутахассиси Б.Ғаниев билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 321-сонли Қарори талаблари асосида олиб борганларини, шунингдек, ушбу объектда бажарилган ишларни жойига чиққан ҳолда таққослаб ўргангани, пудратчи “Dobriy” МЧЖ раҳбари А.Рахимов, Балиқчи тумани молия ва иқтисодиёт бўлими бошлиғи Х.Мухаммаджонов, Балиқчи тумани ММТБ бошлиғи Н.Ҳакимова ва муҳандиси А.Дехқоновлар зиммасига тўғри келишини, пудратчи “Dobriy” МЧЖ раҳбари А.Рахимов, буюртмачи томондан 19-сонли мусиқа мактаби, 1-сонли, 8-сонли, 10-сонли, 27-сонли, 31-сонли ДМТТ, 2-сонли, 3-сонли, 5-сонли, 21-сонли умумтаълим мактаблари раҳбарлари ва туман ММТБ муҳандиси А.Дехқонов зиммасига тўғри келишини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи А.Рахимов, К.Дехканов ва Н.Рахимоваларнинг айби судда текширилган далиллар, шу жумладан жинойт ишини кўзғатиш ва терговга тегишлилиги бўйича юбориш ҳақида қарор (1-жилд и.в. 1-2), ўрганиш далолатномаси ва маълумотнома (1-жилд и.в. 5-8), суд товаршунаслик экспертизаси хулосаси (2-жилд и.в. 107-110), назорат ўлчови далолатномаси ва тўпланган ҳужжатлар (2-жилд и.в. 208-313, 3-жилд и.в. 1-227, 228-258), ҳужжатларни ёзма далил деб эътироф этиш ҳақида қарор (4-жилд и.в. 174-175), тушунтириш хатлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, шу жумладан судда ўқиб эшиттирилган гувоҳ Х.Мухаммаджонов, Н.Ҳакимова, Д.Мўминова, С.Ғоиповларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарори 5-бандининг 2-хатбошида “Судлар



ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак” деб берилган тушунтиришлардан келиб чиқиб, судланувчи А.Рахимов, К.Дехканов ва Н.Рахимоваларнинг қилмишлари квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Рахимов ва Н.Рахимоваларни Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари, 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 25,167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 228-моддасининг 3-қисми билан, судланувчи К.Дехкановни Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 25,167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 228-моддасининг 3-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддасида “Ушбу Кодекс [Махсус қисмининг](#) турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади.

Агар шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекс [Махсус қисми](#) аини бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади” деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши кўрсатилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги қарори 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига мувофиқ бўлиши кераклиги таъкидланганлигини инобатга олиб, суд, судланувчиларга жазо тайинлаш лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 45-моддасининг 5-қисмида “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмайди, бундан одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мустасно” деб кўрсатилгани,

Юқоридаги Қонун талабидан келиб чиқиб суд, судланувчи А.Рахимов ва Н.Рахимоваларнинг ушбу жиноятни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб содир этганлиги ва ҳозирда ушбу тадбиркорлик фаолияти билан



шуғулланаётганини инобатга олиб, унга нисбатан қўшимча сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини тайинламасликни лозим топади.

Суд судланувчи А.Рахимовга жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, уни айбига иқрор ва қилган ишидан пушаймондалигини инобатга олиб, уни яшаш жойидан шахсини ижобий тавсифланишини, етказилган зарар тўлиқ қоплангани жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганлигини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Қарори, 1998 йил 17 апрель кунги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги №11-сонли, 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қароридаги раҳбарий кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, қилмишидан пушаймонлиги, етказилган зарарларни қоплагани, содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, тайинланадиган жазони ўзи ва бошқалар учун тарбиявий аҳамиятини инобатга олиб, судланувчига ЖКнинг 45-моддаси 5-қисми талабларидан келиб чиққан ҳолда уни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келишини эътиборга олиб, қўшимча жазо тайинланмаган ҳолда ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 25,167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 228-моддасининг 3-қисми билан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, мазкур тайинланган жазога ЖКнинг 60-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг 2022 йил 24 июндаги ҳукми билан тайинланган жазосини ўталмай қолган муддатини қисман қўшиш йўли билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, ЖК 62-моддасига асосан унинг 2024 йил 19 февраль кунидан 2024 йил 07 май кунига қадар қамокда сақланган 79 (етмиш тўққиз) кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 237 (икки юз ўттиз етти) кунига тенглаштириб ҳисоблаб, унга тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

судланувчи Н.Рахимовага жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, уни айбига иқрор ва қилган ишидан пушаймондалигини инобатга олиб, уни яшаш жойидан шахсини ижобий тавсифланишини, етказилган зарар тўлиқ қоплангани жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганлигини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан



қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Қарори, 1998 йил 17 апрель кунги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги №11-сонли, 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қароридаги раҳбарий кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, қилмишидан пушаймонлиги, етказилган зарарларни қоплагани, содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, тайинланадиган жазони ўзи ва бошқалар учун тарбиявий аҳамиятини инобатга олиб, судланувчига ЖКнинг 45-моддаси 5-қисми талабларидан келиб чиққан ҳолда уни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келишини эътиборга олиб, қўшимча жазо тайинланмаган ҳолда ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 25,167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 228-моддасининг 3-қисми билан қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

судланувчи К.Дехкановга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандидаги Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 37-бандидаги содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқлангани тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, 45-бандидаги, жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги;

1998 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги 11-сонли қарорининг 29-бандидаги, судлар, жазо тайинлашда ўзганинг мулкани талон-торож қилувчиларга, ... нисбатан қаттиқ жазоларнинг қўлланилишини таъминлашга мажбурлиги, шунинг билан бирга, иқтисодиёт соҳасидаги ишларни кўраётганда судлар моддий санкцияларни, шунингдек, муайян мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазоларни кенгроқ қўллашлари лозимлиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя қилиб, жиноят ғаразли ниятда содир этилгани оғирлаштирувчи ҳолат сифатида, уни қилмишидан оилавий аҳволи, моддий зарар қоплангани, айбига иқдор ва қилмишидан пушаймонлиги, иш



жойидан ижобий тавсифланганини жазони енгиллаштирувчи ва қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, тайинланадиган жазони ўзи ва бошқалар учун тарбиявий аҳамиятини инобатга олиб, унга ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, давлат ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиб, модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 25,167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 228-моддасининг 3-қисми билан модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиб, узил-кесил ўташлик учун давлат ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, етказилган зарар ва ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ёзма далил деб эътироф этилган Андижон вилояти молия бош бошқармасининг 2024 йил 25 март ва 2024 йил 26 мартдаги “DOBRIY” МЧЖ томонидан мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари иситиш тизимида бажарилган иситиш таъмирлаш ишлари юзасидан назорат ўлчови далолатномалари ва унга иловалар, Балиқчи тумани ММТБ томонидан тасдиқланган иситиш тизимида ишлар бажарилгани ҳақида Ф-2 ва Ф-3 тўлов ҳужжатлари, Балиқчи тумани иқтисодиёт ва молия бўлимини 2023 йил 08 ноябрдаги “DOBRIY” МЧЖ томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан текшириш далолатномаси ва унга иловалар, 2023 йил 21 ноябрдаги мол-мулкни хатлаш ҳақида қарор, 17 дона иситиш қозонлари ва сақлаш учун топширилган тилхатлар, 2024 йил 19 мартдаги “Х.Сулаймонова” номидаги Республика суд экспертиза маркази Андижон вилоят бўлимининг суд товаршунослик экспертиза хулосаси ва унга иловалар, терговга қадар текширувда тўпланган ҳужжатлар, тергов ҳаракатлари давомида гувоҳларни сўроқ қилиш ва юзлаштириш тергов ҳаракатлари баённомалари ва бошқа тўпланган ҳужжатларни жиноят ишида сақлашни;

- етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Рахимов Абдоржон Ахрорович (Raximov Abrorjon Ahrorovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 25,167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 228-моддасининг 3-қисми билан айбли деб топилсин.

А.Рахимовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси;



Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

А.Рахимовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 5 (беш) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

А.Рахимовга тайинланган жазо муддатига ЖК 60-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг 2022 йил 24 июндаги ҳукми билан тайинланган жазосини ўталмай қолган муддатини қисман қўшиш йўли билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ундириш шарти билан 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддасига асосан судланувчи А.Рахимовнинг 2024 йил 19 февраль кунидан 2024 йил 07 май кунига қадар қамокда сақланган 79 (етмиш тўққиз) кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 237 (икки юз ўттиз етти) кунига тенглаштириб ҳисоблансин ва А.Рахимовга тайинланган жазодан чегириб, ўташ учун узил-кесил иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 1 (бир) йил 10 (ўн) ой 3 (уч) кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилиб, жазо ўташ муддати А.Рахимов жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ва ташкилотларда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро эттириш Шаҳрихон тумани ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

А.Рахимовга нисбатан қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, дарҳол суд залида қамокдан озод қилинсин.

Рахимова Нозимахон Ахроржоновна (Raximova Nozimaxon Aхrорjоновна) Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 25,167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 228-моддасининг 3-қисми билан билан айбли деб топилсин.

Н.Рахимовага Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси;



Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташлик учун иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 1 (бир) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилиб, жазо ўташ муддати Н.Рахимова жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ва ташкилотларда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро эттириш Шаҳрихон тумани ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Н.Рахимовага нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Дехканов Каххаржон Тешабоевич (Dexkanov Kaхharjon Teshaboyevich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 25,167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 228-моддасининг 3-қисми билан айбли деб топилсин.

К.Дехкановга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 1 (бир) йил муддатга давлат ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиб, узил-кесил ўташлик учун 1 (бир) йил муддатга давлат ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 1 (бир) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилиб, жазо ўташ муддати К.Дехканов жазони ўташ



учун юборилган корхона, муассаса ва ташкилотларда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Давлат ташкилотларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосининг ўташ муддати ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазоларни ижросини назорат қилиш Балиқчи туман ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Тайинланган жазолар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддаси тартибида алоҳида алоҳида ижро этилсин.

К.Дехкановга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ёзма далил деб эътироф этилган Андижон вилояти молия бош бошқармасининг 2024 йил 25 март ва 2024 йил 26 мартдаги “DOBRIY” МЧЖ томонидан мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари иситиш тизимида бажарилган иситиш таъмирлаш ишлари юзасидан назорат ўлчови далолатномалари ва унга иловалар, Балиқчи тумани ММТБ томонидан тасдиқланган иситиш тизимида ишлар бажарилгани ҳақида Ф-2 ва Ф-3 тўлов ҳужжатлари, Балиқчи тумани иқтисодиёт ва молия бўлимини 2023 йил 08 ноябрдаги “DOBRIY” МЧЖ томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан текшириш далолатномаси ва унга иловалар, 2023 йил 21 ноябрдаги мол-мулкни хатлаш ҳақида қарор, 17 дона иситиш қозонлари ва сақлаш учун топширилган тилхатлар, 2024 йил 19 мартдаги “Х.Сулаймонова” номидаги Республика суд экспертиза маркази Андижон вилоят бўлимининг суд товаршунослик экспертиза хулосаси ва унга иловалар, терговга қадар текширувда тўпланган ҳужжатлар, тергов ҳаракатлари давомида гувоҳларни сўроқ қилиш ва юзлаштириш тергов ҳаракатлари баённомалари ва бошқа тўпланган ҳужжатлар жиноят ишида сақлансин.

Етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчилар ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу туман суди орқали Андижон вилоят суди жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи : имзо

Ҳукм нусхаси аслига тўғри,

Жиноят ишлари бўйича

Балиқчи туман судининг раиси

Ф.Собиров



**Маъсул судья: Собиров Фурқат Одилжонович**



Хужжат имзоланган: Собиров Фурқат Одилжонович, 07.05.2024

